



UNIVERSITI  
KEBANGSAAN  
MALAYSIA  
*The National University  
of Malaysia*



هَدَّارِي  
**hadhari**  
Institut Islam Hadhari • Universiti Kebangsaan Malaysia

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ  
МАЛАЙЗИЯ МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ

CENTER OF ISLAMIC CIVILIZATION IN UZBEKISTAN UNDER THE  
CABINET OF MINISTERS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN  
INSTITUTE OF ISLAM HADHARI, UNIVERSITI KEBANGSAAN MALAYSIA

# ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МУТАФАККИРЛАРИ 4th SEMINAR ON SCHOLARS OF ISLAMIC CIVILIZATION

THE CONTRIBUTION OF MUSLIM SCHOLARS ON THE  
DEVELOPMENT OF SCIENCES AND ITS CONTEMPORARY RELEVANCE





**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ  
МАЛАЙЗИЯ МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ**

**CENTER OF ISLAMIC CIVILIZATION IN UZBEKISTAN UNDER THE  
CABINET OF MINISTERS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN  
INSTITUTE OF ISLAM HADHARI, UNIVERSITI KEBANGSAAN MALAYSIA**

# **ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МУТАФАККИРЛАРИ 4th SEMINAR ON SCHOLARS OF ISLAMIC CIVILIZATION**

**THE CONTRIBUTION OF MUSLIM SCHOLARS ON THE  
DEVELOPMENT OF SCIENCES AND ITS CONTEMPORARY RELEVANCE**

Халқаро илмий-амалий семинарга тақдим этилган тезислар тўплами  
Collection of abstracts presented to the international scientific and practical seminar

**Тошкент-2024, 30 май**

## **САДРИДДИН АЙНИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИДА ИСЛОМИЙ ИНШОТЛАР ТАРИХИ**

*Калим сўзлар: ислом, тасаввуф, адиб, қадамжо, зуллисонин, ўлкашунос, обида, топография, агиография, изоҳ, таржима.*

Масжид, мадраса, хонақоҳ, мақбара, мазорлар исломий иншоотларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Улар тарихини ўрганишга илмий ёндашув маҳаллий тадқиқотчилар, ўлкашунослар ўртасида айниқса XX аср 20-йилларида кенг ёйила бошлади. Бу даврга келиб бирмунча таъмирталаб бўлиб қолган обидаларни таъмирлаш, таъмирлашдан олдин эса уларни илмий ўрганиш, тарихий, бадиий, меъморий аҳамиятини очиб бериш янги ижтимоий-сиёсий тузум вакиллари олдида турган муҳим вазифалардан бири эди. Ўша давр зиёлиларининг илғор вакилларида бири, зуллисонин, яъни икки тилда ижод қилувчи адиб, ўлкашунос Садриддин Айний (1878–1954) ҳам бу жараёнлардан четда турмади. Айнийнинг айнан шу соҳаларга бағишланган тадқиқотлари замона зайли билан эътибордан четда қолди ва қисман унутилишга юз тутди. “Чеҳел сутун”, “Қутби чаҳордахум”, “Мир Араб иморатлари” номли мақолалари, Абу Тоҳирхожанинг “Самария” асарини нашрга тайёрлаш, асарни сўзбоши ва илмий изоҳлар билан бойитиш, таржимани қайта кўриб чиқиш кабилар адибнинг ўлкашунослик ва исломшунослик йўналишида амалга оширган ишлари ҳисобланади.

Самарқанд шаҳри ва атрофининг тарихий географияси, топографияси, мазорлар, муқаддас қадамжолар, масжид ва мадрасалари тўғрисида муҳим маълумотларни ўзида мужассам қилган Абу Тоҳирхожанинг “Самария” асарининг Абдулмўмин Сатторий тарафидан ўзбек тилига қилинган таржимасини қайта кўриб чиқиш, таҳрир қилиш, ўзбекча сўзбоши ва кенгайтирилган илмий изоҳлар ёзиш 1926 йил Садриддин Айний зиммасига тушади. Айний домланинг асар таржима матнига ёзган изоҳлари яхшигина илмий тадқиқот ҳисобланади. Чунки чуқур илмий мазмунга эга изоҳларни ёзиш Самарқанд шаҳри тарихи, меъморий обидалари, муқаддас қадамжолари, қолаверса, ислом тарихидан мукамал хабардор бўлишни талаб этарди. Лекин асар ўша даврда чоп этилмай, қўлёзма ҳолича қолиб кетди. Таниқли олимлар Б.Аҳмедов ва А.Жувонмардиев саъй-ҳаракатлари билан ушбу асар 1969 йил қайта нашрга тайёрланди. Ноширлар таржимани жузъий таҳрирдан ўтказган ҳолда, атоқли адиб - Садриддин Айнийга ҳурмат юзасидан у ёзган сўзбоши ва изоҳларни асл ҳолича қолдиришади. Лекин давр мураккабликлари оқибатида асар яна нашр юзини кўрмади. Ниҳоят “Камалак” нашриёти “Мерос” сериясида 1991 йил [2, б. 79], “Янги аср авлоди” нашриёти “Тарихий мерос” сериясида 2009 йил “Самария”ни нашр этди [1, б. 105–206].

Садриддин Айнийнинг “Самария”га ёзган илмий изоҳлари диққатни тортади. Унда Самарқанд ва қисман Бухоро тарихининг айрим эътиборга молик жиҳатлари ўз аксини топган. Адиб, жумладан, Бухоро амалдорларидан бири Нодир девонбегининг Бухорода солдирган иморатлари хусусида тўхталиб, хонақоҳ ва ҳовузнинг абжаддаги санасини аниқлаган. Унга кўра, “Маҳалла машойих” жумласида хонақоҳ қурилган сана, яъни 1029 / 1619 йил, “Ҳавзи ба зўр” иборасида эса ҳовуз, яъни ҳозирги Лабиҳовузнинг қазилган санаси – 1029/1619 йил яширинганини ёзади. Айнийнинг маълумот беришича, ҳовузни қазитиш учун халқ мажбурий меҳнат ва машаққатга тортилгани сабаб, ўша даврдаги бир шоир унинг қазитиш тарихини абжад ҳисобида “Ҳавзи ба зўр” ибораси билан белгилаган

[2, б. 68–69].

Машхур мухаддис Имом Бухорий, тасаввуф алломаларидан Абдулқодир Жилоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Аловуддин Аттор, Хожа Аҳрор, Мавлоно Лутфулло Чустий, “Алфи соний” тахаллуси билан машхур Шайх Аҳмад Сирҳинди кабилар хусусидаги биографик маълумотлари Садриддин Айнийнинг исломшунослик ва тасаввуфшунослик борасида чуқур илмий тафаккурга эга бўлганини бот-бот тасдиқлайди.

Садриддин Айнийнинг “Кутби чаҳордахум” (Ўн тўртинчи кутб) номли тадқиқоти икки жиҳати билан ажралиб туради. Биринчи жиҳат, ишда агиографик адабиёт маълумотлари кенг илмий муомалага тортилган ҳолда ўн тўртинчи кутб ҳисобланган тасаввуф намояндаси Шайх Нуриддин Басирнинг таржимаси ҳоли баён қилинса, иккинчи жиҳат, ўтган асрнинг 20-йиллари учун долзарб аҳамият касб этган Самарқанд шаҳрининг тарихий топографияси масалалари илгари сурилади. Шайх Нуриддин Тошкентнинг Нушкент мавзеида таваллуд топиб, кейинчалик онаси билан бирга Самарқандга кўчиб келади ва шаҳарнинг Куйи чўпонон, яъни Кўкмачит маҳалласида сокин бўлади. У тошкентлик Шайх Зайниддиннинг муриди ҳисобланган. Шайх Нуриддин вафот этгач, Кўкмачит маҳалласи яқинидан оқиб ўтувчи Жўйи чашмаи новадон ариғи бўйида, Самарқанд аркининг кунчиқар томонида дафн қилинади. Амир Темур бу шайхга бўлган ихлос белгиси сифатида унинг мазорини арк кўрғони ичига олиб, қабри устига олтин куббали баланд гумбаз қурдиради. Айнийнинг ёзишича, даврлар ўтиб олтин кубба йўқолган бўлса-да, гумбаз Россия империяси Самарқандни истило қилгунга қадар мавжуд бўлган. 1879 йил империя ҳукумати буйруғи билан гумбаз портлатиб юборилади. Ўша пайтларда Самарқанд қозикалони вазифасида турган Мир Низомиддинхўжа губернаторлик ҳукуматининг руҳсати билан Шайх Нуриддин хокини Шоҳизинда мазорининг ёнига, Хўжа Дониёл мазорига борадиган йўлнинг жанубига кўчиради. Атоқли адиб ушбу маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш мақсадида қозикалон Мир Низомиддинхўжанинг қуйидаги сўзларини келтиради: “Ўз кўлим билан олиб, ўз кўзим билан кўрдим. Шайхнинг бош суяги бурнининг устигача тешиксиз ва кўзининг ўрни йўқ эди” [4].

Самарқанд шаҳри тарихий топографияси ва меъморий ёдгорликлари тарихини яхши билган Садриддин Айний Чехел сутун, Чиннихона, Кўксарой, Кўктош каби обидалар тўғрисида муҳим маълумотларни тақдим этади. Ҳозиргача ўз илмий-маърифий аҳамиятини йўқотмаган ушбу маълумотлар шаҳарнинг ўрта асрлардаги кўринишини ўрганиш ва сақлаб қолишда ахборот манбаи бўлиб хизмат қилиши ҳеч муболағасиз.

Атоқли адиб қаламига мансуб “Мир Араб иморатлари” номли тадқиқот илмий жамоатчилик назаридан тушиб қолганлиги, Мир Араб маънавий-маданий меросига бағишланган дастлабки ишлардан бири эканлиги билан ўзига нисбатан қизиқиш уйғотади [5]. Мақола ёзилган 1927 йил ҳали Мир Араб ва унинг Бухородаги мадрасаси тўғрисида илмий адабиётларда маълумотлар исталганча кўп эмас эди. Шунга қарамасдан, Садриддин Айний ўз кўл остидаги ёзма манбалар асосида Мир Арабнинг шахсияти ва у солдирган иморатлар тарихини ўрганган.

Унинг таржимаи ҳолига тўхталиб, Мир Арабнинг 22 ёшида ўз юрти – Яман вилоятидан Туркистонга ҳижрат қилгани, кейинчалик Хўжа Аҳрорга мурид тушгани, унинг вафотидан сўнг Сайрамга кетгани хусусида маълумот беради. Садриддин Айний бундай маълумотларни, унинг ўзи таъкидлашича, Мир Араб авлодлари кўлида сақланган маноқибдан олган. Лекин маноқибнинг номини келтирмайди. Мир Арабнинг Арабистон Яманидан Туркистон томон ҳижрат қилиши ва умуман унинг яманлик бўлгани тўғрисида ҳозирги замон айрим тасаввуфшуносларида эътирозлар мавжуд. Улар ўз эътирозларини ўрта асрларда араб олаmidан Туркистон сари эмас, аксинча Туркистон ўлкасидан араб оламига ҳижрат қилиш анъанаси устувор бўлганлиги билан асослашга ҳаракат қиладилар [3, с. 92]. Бу алоҳида мавзу. Яна бир таажжубли жиҳат, Нақшбандия тариқати силсиласида

Мир Араб номи Хўжа Ахрорнинг муриди сифатида умуман тилга олинмайди.

Айний домла кўпроқ Мир Арабнинг ижтимоий-сиёсий, айниқса бунёдкорлик фаолиятига эътиборни қаратади. Шу йўналишда унинг Бухоро хукмдори шайбоний Убайдуллахон билан илиқ муносабатлари масаласига мурожаат қилиб, Убайдуллахондан кўпдан-кўп мурувватлар кўргани ва унинг ҳимоятида беҳисоб мол-мулк тўплаганини ёзади. Мир Араб ўз қўл остидаги мол-мулкнинг бир қисмини хайрли, бунёдкорлик ишларига сарфлайди. Масалан, Сайрамда турган чоғларида шаҳардан икки чақирим узоқликда иккита кориз қаздириб, кўплаб ер ва боғларни сув билан таъминлайди. Қазмиш ишларида икки юз киши жалб қилиниб, улар иш билан таъминланади.

Шайбоний Убайдуллахон Мир Арабга бўлган ҳурмати юзасидан унинг шарафига Сайрамда мухташам мадраса барпо қилгани Садриддин Айний тарафидан алоҳида таъкидланади. Мир Арабнинг Бухорода барпо этган мадрасаси хусусида батафсил тўхталади. Айтиш жоизки, мадрасанинг тарихий-бадиий, илмий ва меъморий тавсифини берган биринчи тадқиқотчи Садриддин Айнийдир. Мадрасанинг ички, ташқи кўриниши, мавжуд ҳужралар сони (114), бадиий безаклари, маърифий маскан сифатидаги ижтимоий-маданий аҳамияти ва бошқа жиҳатлар Садриддин Айний талқини ва тавсифида мукамал ифодасини топган. Мадрасанинг Айний домла тилга олган қурилиш конструкцияси ва меъморий ечими тўғрисидаги маълумотлар ҳозир ҳам муайян қизиқиш уйғотади ва мушоҳадага чорлайди. Жумладан, мадрасанинг тоғ тошларидан иборат тағ курсиси жуда чуқур қилиб ётқизилган. Қор ва ёмғир сувларини қочириш учун мадраса остидан тазар ўтказилган ва у шаҳардан ташқаридаги “Темур захқаш”га туташтирилган. Мир Араб мадрасасининг шарқий томонидаги биринж бозоридан махсус нақиб қазилиб, тазарни тозалаб туриш учун йўл очилган. Даврлар ўтиши билан бу ер ости йўлининг ҳавоси бузилиб, кириш хавфли бўлиб қолгандан сўнг у беркитиб ташланган. Мир Араб васиятига кўра, у вафот этгандан сўнг қурилиш ишларини унинг кўёви Шайх Зикриё давом эттиради.

Садриддин Айнийнинг ўтган асрнинг 20-йилларида исломий иншоотлар тарихи тўғрисида ёзган ишлари, тарихий топография масалаларига оид тадқиқотлари бир томондан атоқли адибнинг кам ўрганилган ва қисман унут бўлган ижод қирралари тўғрисидаги тасаввуримизни бойитса, иккинчи томондан Бухоро, Самарқанд каби тарихий шаҳарлар меъморий обидалари, тарихий топографияси, тарихий топонимикасини ўрганиш учун муайян аҳамият касб этади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Абу Тохирхожа Самарқандий. Самария (Самарқанд мазорлари зикри) / Форсчадан Абд ул-Мўмин Сатторий таржимаси. Масъул муҳаррир академик: Садриддин Айний (126, март) ва академик Бўрибой Аҳмедов (1969, 1991). Нашрга тайёрловчилар: Б.Аҳмедов, А.Жувонмардиев (1969, июль). Изоҳлар муаллифлари: А.Сатторий, С.Айний (1926), Б.Аҳмедов (1991). (Қайта ишланган ва тўлдирилган нашрига масъул Ш.Воҳидов, Б.Аминов) – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2009.

2. Абу Тохирхожа. Самария / Форсчадан Абдулмўмин Сатторий таржимаси. Масъул муҳаррир академик Садриддин Айний ва тарих фанлари кандидати Б.А.Аҳмедов. Нашрга тайёрловчилар: тарих фанлари кандидати Б.Аҳмедов, А.Жувонмардиев. Кўрсатгичларни М.Хўжаева тузган. – Тошкент: “Камалак”, 1991.

3. Бабаджанов Б. Мир-и Араб / Культура кочевников на рубеже веков (XIX-XX, XX – XXI вв.): проблема генезиса и трансформации. Материалы международной конференции. Алматы, 1995.

4. Садриддин Айний. Қутби чаҳордахумнинг гумбази / Маориф ва ўқутғучи журнали.- Тошкент, 1926.- №5.

5. Садриддин Айний. Мир Араб иморатлари / Маориф ва ўқутғучи журнали.- Тошкент, 1927.- №5.

## МУНДАРИЖА CONTENTS

<b>Миноваров Шоазим</b>	
Муқаддима .....	3
<b>Миноваров Шоазим</b>	
Introduction .....	6
<b>Hakimov Akbar</b>	
Ibn Sino davri hunarmandchiligida islomgacha bo‘lgan san’at mavzularning yangi talqini.....	9
<b>Fariza Md Sham, Siti Norlina Muhamad, Nor Azean Hasan Adali.</b>	
Stress Among Nurses and How to Deal with it Through Ibn Miskawaih’s Psychotherapy Approach .....	11
<b>Haslinda Abdullah.</b>	
The Role of al Balkhi and Malik Badri in the Field of Mental Health .....	12
<b>Haliza Abdul Rahman.</b>	
Islamic Principle Toward the Environmental Sustainability .....	13
<b>Ziyodov Shovosil.</b>	
Contribution of Central Asian thinkers and scholars to the development of world civilization and interreligious interaction .....	14
<b>Karimova Surayyo.</b>	
Najib al-din Samarkandi and his work of Usul al-tarakib .....	16
<b>Norshariani Abd Rahman.</b>	
Contribution of Ibrahim Abdul-Matin’s Works on Green Deen: What Muslims Can Learn About Environmental Behaviour .....	18
<b>Roziyah Sidik, Mat Sidek.</b>	
From Astronomy to Astrotourism: How Uzbekistan Could Benefit from It .....	19
<b>Bekmirzaev Ilhomjon.</b>	
Ibn Sina’s psycho-philosophical interpretation of Surah al-nur .....	20
<b>Firdavs Khalimov.</b>	
Waqfs during the Abbasid period .....	22
<b>Siti Maryam Hanis Hamzah, Norshariani Abd. Rahman, Muhamad Faisal bin Asha’ari.</b>	
Contribution of Imam al-Ghazali’s Theory Towards Philanthropic Behaviour In Environmental Conservation .	24
<b>Sageerali T.P.</b>	
Ibn Sina: Philosopher and Scientist of Islam .....	25
<b>Nurul Hafizah Mohd Nor, Nor Azam Mat Noor</b>	
Sheikh Abdullah Fahim: roles and contributions to the astronomy of Malay society .....	26
<b>Ganiyev Avazbek, Ganiyeva Gulnora.</b>	
The role of Abu Raykhan Biruni’s Athar ul-baqiya’ in the islamic civilisation.....	27
<b>Булатов Саидахбор.</b>	
Концептуальные основы дизайна жемчужины зодчества Узбекистана.....	29
<b>Султонов Ўктамбек.</b>	
Тошкентда тиб илми ривож: Шоҳ Али Қаҳҳол ёзма мероси (XVI аср) .....	31

<b>Samsakova Husniya.</b>	
The role of Abdulmajidkhan Eshon in the development of the Tashkent mystical environment .....	33
<b>A’dawiyah Ismail, Fariza Md. Sham, Roziah Sidik, Ermy Azziaty Rozali, Norshariani Abd Rahman, Nur Haziqah Hishamudin.</b>	
Managing Emotions According to Imam Al Ghazali Among Working Women from Home to Achieve a Balance Between Career and Family .....	35
<b>Nor Ain Balqhis Mohamad Razif, Razaleigh Muhamat Kawangit, A’dawiyah Ismail &amp; Fariza Md Sham.</b>	
Ismail Raji al-Faruqi’s Perspective on Social and Cultural Theory in the Context of Islamization .....	36
<b>Turaev Bakhtiyor Omanovich.</b>	
The role of Mirza Ulugbek, the thinker of the II renaissance period, in the development of islamic civilization	37
<b>Тўраев Ҳалим.</b>	
Садриддин Айний илмий меросида исломий иншоотлар тарихи.....	39
<b>Eshonova Salimakhon.</b>	
Women in Central Asian sufism: on the example of works by the kokandian sufi Poetesses Nisa and Khani.....	42
<b>Nazrul Anuar Nayan.</b>	
Exploring the Intersections of Astronomy and Health: Insights from Sheikh Abdullah Fahim’s Astronomical Thought.....	44
<b>Mohd Roslan Rosnon, Muhammad Afiq Abdul Razak, Naqi Dahamat Azam, Muhamad Luqmanudin Jalaludin, Asnarulkhadi Abu Samah.</b>	
Ibn Khaldun Perspective on Culture Well-Being Among the Elderly Indigenous People in Malaysia .....	45
<b>Norrodzoh Siren, Yusmini Md Yusoff, Mohammad Ikhwan Ismail.</b>	
Community-Based Rehabilitation for Prisoner in Malaysia: Lessons from the Lands of Multifarious Geniuses.	46
<b>Kuzieva Malika.</b>	
Islom davrida o’zbek badiiy matolarining ishlab chiqarilishi san’ati .....	47
<b>Lutfillayev Hamidillo.</b>	
Qur’oni karim kotiblari (Markaziy Osiyo misolida) .....	49
<b>Olimov Farruxbek.</b>	
Alisher Navoiy va temuriy Husayn Boyqaro.....	51
<b>Ostonaqulov Ikromiddin.</b>	
Abdulqodir Giloniy .....	53
<b>Rakhmankulova Matluba.</b>	
The development of the art of book during the reign of Amir Temur .....	56
<b>Тангиров Обид.</b>	
Абдурауф Фитрат қарашларида илм масаласи .....	58
<b>Qurratu Aini Mat Ali, Farah Ayuni Mohd Hatta.</b>	
Advantages of Plants as Halal Sources in Pharmacognosy: Insights from the Contributions of Medieval Muslim Scholars .....	60
<b>Noor Amila Abdul Halim, Fariza Md Sham, Mohd Al Adib Samuri.</b>	
Psychological Effects of Adolescents Due to the Use of Social Media and Coping Strategies According to al-Kindi.....	61
<b>Mohd Huefiros Efizi Husain, Nor Fahimah Mohd Razif, Noor Naemah Abdul Rahman.</b>	
Wahbah al-Zuhayli’s Perspective of Hidden Fees in a Business Contract: Case Study in Self-Service Laundry Franchise.....	62